Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 6-YANVAR, JUMA, 3 (7932) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида Сирдарё вилояти омихта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Тупроқшунослар, мелиораторлар, агрокимёгарлар олдида заминнинг экологик, мелиоратив ва агрокимёвий ҳолатларини яхшилаш унумдорлик ва биологик маҳсулдорлигини оширишга қаратилган изланишларни кўпайтириш зарурати юзага келмоқда. Негаки, фаровонлигимиз, ризқу насибамиз бутлигининг ягона омилига эътиборни кучайтириш фарзимиздир.



Агросаноат соҳаси учун етук мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларни иш билан таъминлашда Шуманай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Қашқадарё вилояти

ТОМОРҚАДА ТАРОВАТ ВА ДАРОМАД КЎП

Юртимиздаги деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида сабзавот, полиз, картошка, мева етиштиришни янада кўпайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилоятида 2011 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида аҳоли томорқалари бўлган 1184 гектар ерда пиёз, 66 гектар саримсоқ пиёз, 520 гектар майдонда турли кўкатлар экилди. Бундан ташқари, 1112 иссиқхонада 85 гектар помидор, 76 гектар бодринг, 55,6 гектар кўкат ва турли хил гул кўчатлари парваришланмоқда.

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий маҳалласида яшовчи Отабек Қодиров томорқасида бодринг, помидор, хурмо ва ўн хилдан ортиқ гул парвариш қилмоқда. Омилкор оила янги йил байрами арафасида дастлабки ҳосилни бозорга чиқарди.

СУРАТДА: *Отабек Қодиров турмуш ўртоғи Гулчеҳра билан.*

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

▼ МУНОСАБАТ

ИМТИЁЗЛАР ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригида давлат томонидан соҳа фаолиятини янада ривожлантириш учун янги имтиёз ва преференциялар бериш лозимлиги алоҳида таъкидланганди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Мазкур қарорда нашриётлар учун ҳам қатор имтиёз ва преференциялар белгиланган. Жумладан, матбаа корхоналари беш йил муддатга бир қатор солиқ, мажбурий ажратмалар ва божхона тўловларини тўлашдан озод этилди, уларнинг айрим солиқ тўловлари ва мажбурий ажратмалар миқдори сезиларли равишда камайтирилди.

Мамлакатимизда нашриётлар ва матбаа корхоналари ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантирилмоқда. Илгари кўрғошинда ҳарф терилиб, китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар матрицалари ҳамда расмлар клишеларини тайёрлаш учун ҳафталаб вақт кетарди. Бу ускуналар экологик жиҳатдан соғлиққа зарарли эди. Бугун эса бу жараёнлар халқаро стандартларга мос янги технологиялар асосида бажарилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нашриётлар 9 тадан 104 тага етди. Агар ўн йил олдин мамлакатимизда 5 нодавлат нашриёт фаолият юритган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 57 тани ташкил этади. Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарори билан 2012 йилдан бу тузилмаларга солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар берилди.

– Бундай имтиёзлар матбуот ва матбаанинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш учун молиявий шароит яратиб бериши, соҳа ходимларининг моддий фаровонлигини ошириши, шу билан бирга, бир қатор бошқа соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз, – дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Рўзимат Сафоев. – 2011 йилда Агентлигимиз тизимидаги нашриётларда 450 номдан зиёд бадиий, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва публицистик адабиётлар нашр этилди. Матбаа корхоналарини модернизация қилиш янада жадаллашди, бир қатор замонавий матбаа ускуналари ўрнатилгач, иш ва вақт ҳажми, нашр жараёнида қоғознинг техник чиқитга чиқиши ва электр энергияси сарфи кескин камайди, матбаа маҳсулотлари сифати эса анча ошди. 2011 йилда 2010 йилга нисбатан бадиий адабиётлар 3 баробар, болалар адабиёти 1,9 баробар, илмий-оммабоп ва энциклопедик адабиётлар 1,6 баробар кўп нашр этилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда катта имкониятлар яратади. Буни "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

Самарқанд вилояти

▼ ТАДБИРКОРЛИК

«САБИНА-С»НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган «Сабина-С» хусусий корхонаси мебель ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаради. Дастлаб уч-тўрт нафар киши билан иш бошлаган ушбу корхонанинг маҳсулотлари сони ва сифати ошиб борди. Натижада доимий мижозларига ҳам эга бўлди.

— Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш осон бўлмади, — дейди корхона раҳбари Содиқ Абдусаматов. — Техника харид қилиш, хомашё етказиб бериш, айниқса, тайёр маҳсулотга доимий мижоз топиш мушкул кечди. Аммо юртимизда тадбиркорларга берилаётган имкониятлар туфайли оёққа туриб олдик. Шу пайтгача корхонамиз фақат буюртма асосида ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқараётган эди. Ўтган йилнинг бошида "Ипотека банки"нинг Кўксарой филиалидан олинган 50 миллион сўмлик кредит эвазига Германиядан замонавий асбоб-ускуналар харид қилдик. Бу эса фаолиятимизни янада кенгайтиришга хизмат қилди. Эндиликда тайёр маҳсулот чиқаришни бошлаймиз.

Таъкидлаш керакки, банкдан олинган сармоя ҳисобига нафақат, ишлаб чиқариш ҳажми ортди, балки корхонанинг ишчилари сони 10 нафардан ошди.

Акбар ҚАРШИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

Касби тумани "Агромашсервис" машина-трактор парки масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатларини баҳорги экиш мавсумига тайёрлашга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ БУГУНДАН

Унда аграр секторга оид Қашқадарё вилояти ташкилотлари раҳбарлари, Миришкор, Нишон, Қарши, Муборак, Косон, Касби туманлари ҳокимлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда фермерлар иштирок этдилар.

Тадбирда баҳорги дала ишларида иштирок этадиган техника ва агрегатлар ҳамда ғалла ўриш комбайнларини сифатли таъмирдан чиқариш, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш муҳим юмушлардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Туманда бу мавсумда 512 та чопиқ трактори, 410 та культиватор, 205 та чигит экиш сеялкаси, 1061 та борона, 197 та пушта олиш, 49 та ер тайёрлаш мосламасини мавсумга ҳозирлаймиз, — дейди Касби тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ботир Тоғаев.

Кўргазмали семинарда белгиланган тадбирларни тизимли ташкил этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

Ҳусан ТЕМИРОВ.

Андижон вилояти

▼ МУЛКДОР ҲАР ИШГА ҚОДИР

ФЕРМЕР АВТОБУС СОТИБ ОЛДИ

Яқинда Избоскан туманидаги "Чўнгбоғиш элита" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Охунов Самарқандда ишлаб чиқарилаётган автобуслардан бирини сотиб олди. Фермер хўжалиги аъзоларининг қувончи чексиз. Фермер ушбу автобусни ном чиқариш ёхуд бизнес қилиш учун эмас, балки хўжалик аъзолари хизмати учун харид қилди. Автобуснинг биринчи йўловчилари эса ҳудуддаги қишки таътилга чиққан болажонлар бўлишди. Улар вилоят марказидаги болалар боғида бўлиб ўтаётган арча байрамида мириқиб дам олиб келишди.

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Мана шундай имкониятдан фойдаланган Ободжон ота Охуновнинг уч нафар фарзанди 2007 йилда танловларда иштирок этишиб, фермер бўлишди. Учта фермер хўжалиги ёнма-ён жойлашган. Бир вақтлар ушбу далаларда Ободжон ота Охунов бригадир бўлиб ишлаганди. Қарилик гаштини сураётган отахон фарзандларининг ишларини қўллаб-қувватлади, керакли маслаҳатларини аямади. Ўтган йилларда ушбу фермер хўжаликларида ғалла ва пахтадан наинки туманда, вилоятда ҳам эътирофга арзигулик ҳосил олинди.

Аввало, ака-ука фермерлар ернинг унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалага алоҳида эътибор беришди. Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш баробарида тупроқни маҳаллий ўғит билан бойитишди. Ҳар сувда "шарбат" оқизиш одатий ҳолга айланди. Галладан бўшаган майдонларга такрорий экин экишга эътибор берилди. Айтайлик, дуккакли экинлар ерга қувват беришда деҳқонга кўмакчи бўлади. Шу боис, такрорий экинда мош асосий ўринни эгаллай бошлади. Табиий азот тўплаш хусусиятига эга бўлган мош пояси айни вақтда чорва учун кучли озуқа ҳисобланади.

Улуғбекнинг акаси Абдусамад олий маълумотли муҳандис-механик. У барча техника воситаларини бошқара олади. Катта акаси Тўланбой ака ҳам техниканинг сир-синоатини яхши билади.

Ака-укалар 2011 йилдан бошлаб бирикишди — учта хўжалик биттага айлантирилди. Юз гектар ғалла майдони ҳисобига тайёрлов корхонасига шартнома бўйича 400 тонна дон етказиб берилди. 124 гектар майдонда парвариш қилинган ғўзанинг ҳар гектаридан биринчи нав ҳисобига 37 центнердан пахта хомашёси тайёрланди. Унинг 160 тоннаси уруғлиқдир.

— Ўтган олти йилда кўп нарсаларга эришдик, — дейди Улуғбек Охунов. — 224 гектар майдонга ишлов берадиган барча техника воситаларига эга бўлдик. Ўзимиздан ортиб бошқа фермер хўжаликларига ҳам ёрдам беряпмиз. Юқори ҳосилдорлик, сифат ва тежамкорлик билан топилган даромад бунинг бош омилдир. Навбатдаги мақсадимиз дала шийпонини яхшилаш, энг асосийси, ихчам машина-трактор парки қуриб, асбоб-ускуналар билан жиҳозлашдир. Автобус сотиб олишга келсак, хўжалигимиз аъзолари манфаатини кўзда тутдик.

Фермернинг ўз хўжалиги аъзолари манфаати ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эътиборимизни тортди. Хўжалик аъзоларининг қарийб 80 фоизи ёшлар. Ёзда ғўза айни ишлов талаб бўлганда ёшлар дала шийпонида тунашади. Йирик спорт мусобақаларини баҳс-мунозаралар билан бирга томоша қилишади. Навбатма-навбат тошфонарни қўлга олишиб, эгат оралашиб, сувнинг таралишини кузатишади. Механизаторлар ҳам эрта туриб тракторларни юргизишади. 76 ёшли устоз Усмонали ота Раҳмонов ҳар куни культиваторларнинг ишчи органлари созлигини назорат қилишдан зерикмайди. Хулласи, "Чўнгбоғиш элита" фермер хўжалигида ёшу қари бирдек ҳаракатда ва бунинг самарасидан барча манфаатдор.

Хўжалик даромадига харид қилинган автобусга эҳтиёж катта. Сабаби, тўй-ҳашамлар кўп. Орада эса водийнинг сўлим гўшаларига бориб, дам олиб келиш ҳам бор. Бунинг учун эса, албатта, автобус зарур. Фермер бу эҳтиёжни ҳис этди ва фойдаси ҳисобидан автобус сотиб олди. Ишнинг олдинга юришида инсон омили асосий ўринга қўйилаётганлиги боис фермер хўжалигида ишлар юришмоқда.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

▼ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲАРБИЙЛИК – МАРДЛАР КАСБИ

2011 йилда Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирган жиззахлик ёшларнинг сони 2010 йилга нисбатан анча кўпдир. Демак, ҳарбий бўлишни истовчи ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бораётир. Муҳими, уларнинг орзулари амалга ошмоқда. Ҳарбий хизмат оилавий касбга айланиб, ҳарбийлар сулолалари пайдо бўлаётир.

Жиззах шаҳрининг «Қалия» маҳалласида яшовчи Хонимқуловлар оиласи офицерлардан ташкил топган. Оила бошлиғи Садриддин Хонимқулов Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган. Истеъфодаги полковник ҳозир Жиззах маиший хизмат касб-ҳунар коллежида чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш фанидан дарс бермоқда. Уч ўғли ҳарбий билим юртини битириб, ҳарбий қисмларда хизмат қилаётир.

– Истиқлол туфайли ҳарбий хизмат шарафли касбга айланди, – дейди Садриддин ака. – Ёшлар билан ишлаётганим боис уларнинг ҳарбий касбга катта ҳавас ва қизиқиш билан қарашларини яхши биламан. Бу оддий қизиқиш эмас, улардаги ватанпарварлик туйғусининг юксаклиги ҳамда Ватан тинчлиги ва дахлсизлиги учун ўзларини масъул деб билишларининг ифодасидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ҳарбий соҳада ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг чақирув пунктлари, ҳарбий қисмларнинг ўқув синфлари замон талаблари даражасига келтирилди. Хусусан, 2011 йилда Жиззах вилоятининг беш туманида мудофаа ишлари бўлимлари замонавий чақирув пунктларига эга бўлди. Уларнинг иситиш тизимлари янгиланди. Чақирилувчиларни кўрикдан ўтказиш хоналари ва бошқа инфратузилма объектларини қайта қуриш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

– Айни кунларда мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига йигитларни муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув билан боғлиқ ишлар қизғин давом эттирилмоқда, – дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Усмонов. – Чақирув пунктларининг қайта қурилиб, зарур жиҳозлар билан таъминлангани бу жараёнда чақирилувчилар, уларни кўрикдан ўтказувчи комиссия аъзолари ҳамда мудофаа ишлари бўлимлари ходимлари учун катта қулайликлар яратмоқда

Йигитларни ҳарбий хизматга тантанали кузатиш ва кутиб олиш мустақиллик йилларида яхши анъанага айланди. Бундай маросимларда ота-оналар, маҳалла тизими, жамоатчилик вакиллари, меҳнат ва уруш фахрийлари фаол қатнашмоқда. Вилоят бадиий жамоаларининг концерт дастурлари намойиш этилмоқда.

Ёшларнинг аскар бўлишга ҳавасини кучайтираётган яна бир омил – ҳарбий хизматдан қайтган йигитларнинг ишга жойлашиши ва ўқишга киришларида берилаётган имтиёзлардир. Ҳарбий хизматни намунали ўтаб, қўмондонликнинг тегишли тавсияномасига эга бўлган ёшларнинг кўпчилиги олий таълим муассасаларига ўқишга кираётгани армиямизнинг обрў-эътиборини янада оширмоқда.

– Ҳарбий хизматни ўтаб, жисмонан ва руҳан чиниқиб, ҳаёт тажрибасига эга бўлиб қайтган йигитларнинг талабалар сафида ҳам ўз ўрни бор, – дейди Жиззах политехника институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дилбар Соатова. – Ҳозир институтимизда гуруҳ сардорларининг асосий қисмини муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган собиқ муддатли ҳарбий хизматчилар ташкил этади. Армия хизматини ўтаган талабаларимиз институт ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишаётир. Улар аъло ўқиш билан бирга «Фидойи ёшлар», «Нотиқ талабалар», «Ижодкор ёшлар», «Мунозара», «Автомобилист», «Талаба спортчи» каби клуб ва уюшмаларнинг фаол аъзоларидир.

Ҳарбий хизмат ёшларимизни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол вояга етказадиган ҳаёт мактабига айлангани мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасини яққол намоён этмоқда. Бу жараёнда чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, бошланғич ҳарбий таълим бериш соҳасидаги ишлар самарадорлиги ошгани, ҳарбий қисмлар билан жамоатчилик ўртасида доимий алоқанинг кенг йўлга қўйилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни олдидан мудофаа ишлари бўлимлари жойлардаги ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида турли учрашувлар, маърифий тадбирлар ташкил этмоқда. Бундай маданий-маърифий тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг йигирма йиллиги олдидан янада кўтаринки руҳда ўтаётир. Учрашув ва суҳбатларда мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, самаралари, ҳарбий хизматчилар ҳаёти, уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида кенг маълумотлар берилмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Амударё туманидаги "ASIA SILK" корхонасининг ишга тушиши кўплаб кишиларнинг, айниқса, қишлоқ ёшларининг иш билан таъминланишига замин яратди. Мазкур корхона Оролбўйи пиллакорлари томонидан етиштирилган 250 тонна пиллани шу ернинг ўзида қайта ишлаб, хорижга ва ички бозорга сотиш имкониятига эга. Корхонада тумандаги Амударё хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўқувчилар амалиётни ушбу корхонада ўтаб, кейинчалик иш билан таъминланмоқда. Жумладан, 2011 йилда 12 нафар ўқувчи ушбу корхонага ишга жойлашди.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

— Хитой мамлакатидан олиб келиб ўрнатилган энг замонавий ускуналарда қуруқ пилла қайта ишланиб, йилига 60 тонна хом ипак ишлаб чиқарилади, — дейди "ASIA SILK" корхонасининг раҳбари Яқубжон Тўраев. — Бугунги кунга келиб, 20 тоннадан зиёд хомашё ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган хомашёнинг 3 тоннадан зиёди экспорт қилинди. Корхонанинг 40 нафар ишчиси Наманган вилоятидаги "Golden silk" корхонасида ва 18 нафари Хоразм вилоятидаги "Хоразм ипаги" масъулияти чекланган жамиятида малакасини ошириб қайтдилар. Бу ерда иш икки сменада олиб борилмоқда. Корхонанинг бир маромда ишлаши ва хомашё билан таъминланишида Амударё туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам бермоқда.

"Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси" негизида ташкил этилган корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган.

— Корхонамизда меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ишчи Манзура Алланиёзова. — Ишчиларимизга бепул иссиқ овқат, махсус кийим билан таъминланган. Ишга келиб-кетиш учун махсус автобус ажратилган. Фотима Ўразбоева, Дилфуза, Камола, Ойимхон Худойбергенова, Гўзал Камалова, Дилфуза Худойбергенова, Дилафрўз Явкашова каби илғор ҳамкасбларимиз бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Туманда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда туман марказида қандолат маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Манғит инвест плюс" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди.

2011 йилнинг апрель ойидан бошлаб туман марказида "Zas metall PRODUCTION" Ўзбекистон — Россия — Хитой қўшма корхонасининг қурилиши олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг маълумот беришича, турли шакл ва ўлчамдаги металл маҳсулотлар, қувур ва тунука ишлаб чиқарадиган янги корхонанинг ишга туширилиши билан бу ерда 250-300 та янги иш ўрни яратилади.

Ўтган йилдаги хайрли ишлардан бири сифатида эътироф этиш жоизки, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича туман ҳокимлигида тадбиркорлар хонаси ташкил этилди. Унда тадбиркорларнинг ўзларига зарур ахборотлар билан танишиш, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилди. Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 5018,2 миллион сўм, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш учун 30,3 миллион сўм, шахсий ёрдамчи хўжаликларга қорамол сотиб олиш учун 12,5 миллион сўм, истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ошириш дастурига мувофиқ балиқ, паррандачилик маҳсулотларини етиштириш ва бошқа лойиҳаларга 1373,1 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. 2011 йилда 252 касаначилик иш ўринлари, шундан 180 та ўрин қишлоқ жойларида ташкил этилди. Аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 5 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Улар орқали 490 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ.

Президентимиз тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатларининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Амнистия актининг қўлланиши натижасида билиб-билмай жиноят содир этган ва хатосини тушуниб етган 27 нафар қўғиротлик фуқаро ҳам муддатидан олдин озод этилди.

Бугунги кунда жазони ижро этиш жойларидан қайтган шахсларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, тегишли ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларни ота-оналар ёки васийлик органлари назоратига топшириш, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун шароит яратишга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлган шахслар энди жиноят кўчасига кирмасликка, ҳалол меҳнат қилиб, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилганларини изҳор этмоқда.

Фуқаро М.Аҳмедова савдо-сотиқ ишларида қилган жиноий ҳаракатлари учун беш ярим йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Жазо муддатининг икки йилини ўтаган Манзура, Амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ, оиласи бағрига қайтди.

– Юртбошимиз томонидан менга кўрсатилган бундай ғамхўрликдан чексиз миннатдорман, – дейди М.Аҳмедова. – Қайта жиноятга қўл урмайман, фарзандларимнинг камолига йўлида ҳалол меҳнат қиламан.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Сирдарё Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

ОЗУҚА МЎЛ БЎЛСА, МАҲСУЛДОРЛИК ОШАДИ

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида Сирдарё вилояти омихта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда 2011 йил декабрь ҳолатига 274912 бош шартли мол мавжуд бўлиб, шунинг 231556 боши аҳоли ихтиёрида, 22112 боши эса фермер хўжаликлари ҳамда корхона, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида боқилаётган қорамоллардир. Айни вақтда вилоят омихта ем-шрот ва шелуха сотиш бирлашмаси тасарруфида 8 та туман бирлашмаси ҳамда ҳудудларда 84 та ем-шрот, шелуха сотиш-тарқатиш шохобчаси аҳоли ҳамда фермер хўжаликларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Туман бирлашмалари ва барча шохобчалар тош-тарозилар, компьютер алоқа тизими ҳамда терминаллар билан таъминланган. 2011 йил давомида аҳоли шахсий чорваси учун 17063 тонна шрот, 25691 тонна шелуха, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига 3727 тонна шрот, 2867 тонна шелуха, корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликларига 273 тонна шрот-кунжара, 35 тонна шелуха етказиб берилди. Аҳоли чорва молларига замонавий ва сифатли зооветеринария хизмати кўрсатиш, наслли моллар сонини кўпайтириш мақсадида 8 та туман бирлашмасида зооветеринария пунктлари ва дорихоналар ташкил қилинди, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бугунги кунда уларда 76 нафар малакали ветеринар врач фаолият кўрсатмоқда. Дағал хашак, тойланган сомон ва мол тузи етказиб бериш ҳам йўлга қўйилганлиги қишловни кўнгилдагидек ўтказиш баробарида сут ва гўшт маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш имконини бераётир.

— Вилоят ем бирлашмаси томонидан шрот ва шелуха етказиб беришнинг тизимли йўлга қўйилганлиги чорвадорларимиз мушкулини янада енгиллаштирди, — дейди Оқолтин туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Мадад" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Фозилов. — Аввалларида чорва молларига ем олиш учун ҳафталаб ёғ-мой корхоналарида навбат кутардик. Озуқа маҳсулотларининг бирлашмалар томонидан етказиб берилаётгани айни муддао бўлди.

"Оқолтин ем", "Гулистон ем", "Сайхунобод ем" туман бирлашмаларида чорва молларига шрот ва шелуха етказиб бериш, чорва моллари сунъий қочириш намунали йўлга қўйилган.

Пахтачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига ем бирлашмалари томонидан ҳар тонна топширилган пахта хомашёси учун 100 килограммдан шрот, 50 килограммдан шелуха етказиб берилмоқда. Ҳозиргача давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарган фермер хўжаликлари 3937 тонна шрот, 2072 тонна шелуха олишди. Бу, ўз навбатида, фермерларни шижоат билан меҳнат қилишга даъват этаётир.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ИМТИЁЗЛАР ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Мустақиллик йилларида мазкур нашриёт фаолияти тубдан ўзгарди, кенг кўламли модернизация ишлари олиб борилди. Эскирган ускуналар ўрнига замонавий чоп этиш, қолип тайёрлаш, елимлаш, бўёқ бериш ва қоғоз кесиш каби полиграфия технологиялари ўрнатилди. Натижада матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўн икки баробар ошди.

Биргина мисол: ўн-ўн беш йил олдин рангли альбомлар асосан хорижий мамлакатлардаги матбаа корхоналарида чиқариларди. Бу йўналишдаги модернизация ишлари самарасида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан рангли альбомларни чоп этиш йўлга қўйилди.

Олдин сифатли ўқув дафтарлари ҳам асосан хориждан келтирилган бўлса, бугун замон талабларига ва миллий қадриятларимизга мос дафтарлар ўзимизда тайёрланмоқда. 2011 йилнинг ўзида 30 миллиондан зиёд ана шундай дафтарлар ишлаб чиқарилди.

– 2011 йилда 150 минг нусхадан ортиқ ижтимоий-сиёсий ва 300 минг нусхадан зиёд болалар адабиётларини нашр этдик, – дейди "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исажонов. – Илгари бундай адабиётларни сотишдан олинган фойдадан 9 фоиз фойда солиғи, 8 фоиз ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўлардик. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига 1,4 фоиз, Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига 0,5 фоиз мажбурий ажратмалар ажратиларди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори билан мамлакатимиздаги қўплаб нашриёт ва матбаа корхоналари сингари «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам мазкур тўловлардан беш йилга озод этилди. Бу биз, соҳа ходимлари учун жуда улкан имкониятдир.

Нашриётдаги қоғоз, полиграфия бўёқлари, офсет пластиналари ва резиналари, тикиш материаллари ва елимлар каби полиграфия маҳсулотлари хориждан келтирилади. Уларни мамлакатимизга олиб киришда 20 фоиз божхона тўловлари тўланарди. Масалан, 2011 йилда нашриётда 50 номдан зиёд газета-журналларни 35 миллион нусхада чоп этиш учун 1,6 минг тоннадан зиёд газета қоғозлари ишлатилди. Уларни олиб келишда муайян божхона тўловлари тўланди. Президентимизнинг мазкур қарорига биноан энди беш йил мобайнида нашриётлар импорт полиграфия материаллари учун божхона тўловлари тўламайди. Бу миллионлаб сўмлик маблағ нашриётларнинг ўзида қолади деганидир.

Шунингдек, чоп этилган маҳсулотларни сотишдан, муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдори икки фоиздан бир фоизга пасайтирилди.

Солиқ имтиёзлари туфайли тежалган маблағлар нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттиришга, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришга йўналтирилади. Бу матбаа маҳсулотларининг хориж бозоридаги рақобатбардошлигини янада оширишда муҳим омил бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов қарори билан оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, ўзимиз танлаган ва ҳеч қачон ортга қайтмайдиган йўлдан собитқадамлик билан одимлаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу ишларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири.

Наманган Вилояти

▼ ҒАЛЛАЧИЛИК

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ғалла ризқ-рўзимиз, фаровонлигимиз манбаи. Ўз донимиз, ўз нонимиз демак. 2011 йилда республикамиз ғаллакорлари 6 миллион 800 минг тонналик ғалла хирмонини бунёд этдилар. Албатта, эришилган ютуқларнинг мустаҳкам пойдевори бор.

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ғалла мустақиллигига эришилди. Ўтган даврда у янада мустаҳкамланди. Юртбошимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан бошоқли экинлар майдони янада кенгайди. Демакки, уларнинг ҳажми ортди, сифати ошди, муҳими, аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашнинг мустаҳкам манбаи яратилди.

Ғаллачиликдаги муваффақиятларнинг яна бир омили уруғчиликка қаратилган эътибордадир. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли, юртимиз тупроқ ва иқлим шароитига мос ҳосилдор навлар яратиш борасидаги илмий изланишлар самара бермоқда. Бу жараённи янада такомиллаштириш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти Наманган филиали директори Носир ОТАХОНОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Истиқлол йилларида республикамизда ғаллачиликни ривожлантириш, унинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, юқори ҳосил берадиган бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилигини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига эътибор кучайтирилди. Давлатимиз раҳбарининг ғаллакорлар моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи институтларга махсус ер майдонлари ажратилди. Филиалимиз олим ва мутахассислари ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, кузги буғдойнинг юқори ҳосилли, касалликларга чидамли навлари устида тадқиқот ишлари олиб боришяпти. Ҳозирда бошоқли дон экинларининг 30 дан зиёд нав ва йўналишлари экологик синовдан ўтказилиб, уларни экиш муддатлари, кўчат қалинлиги, суғориш режими, ҳосилдорлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги жиҳатидан вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мослари танлаб олинмоқда.

Вилоятда ҳар йили 79 минг гектардан ортиқ майдонда бошоқли дон экинлари парваришланади. Бунинг учун эса 19,7 минг тонна сара уруғлик керак бўлади. Филиал қошида ташкил этилган "Олтин-Замин" тажриба майдонида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижасида вилоят ғаллакорларининг ғалла уруғлигига бўлган эҳтиёжи тўла қондириб келинмоқда. Бу ерда кузги буғдойнинг "Чиллаки", "Бобур", "Жайхун", "Яксарт" ва Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти селекциясига мансуб бўлган "Таня", "Восторг", "Краснодар-99", "Кума" каби навлари етиштирилябти. Олинган уруғлик ғалла уруғчилиги билан шуғулланадиган 330 дан ортиқ фермер хўжалигига етказиб берилмоқда. Ушбу майдонлардан олинган супер элита уруғликлари эса қолган уруғчилик фермер хўжаликларига берилади.

Шунингдек, филиал учун берилган ер майдонидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида экинларни алмашлаб экишни ҳам йўлга қўйганмиз. Масалан, алмашлаб экишни жорий қилиниши натижасида соянинг "Ўрзу" ва "Ўзбек-6" навларидан юқори ҳосил олишга эришилди. 3 гектар майдонга маккажўхорининг "Қорасув 350" дурагай уруғи экилиб, гектаридан 50 центнердан жами 15 тоннадан ортиқ уруғлик йиғиштириб олинди.



Дуккакли экинлардан бундай юқори ҳосил олинаётганлиги асосий сабабларидан бири пушталарга экилганлигидадир. Шунингдек, тупроқнинг картограмма маълумотларига асосланиб фосфорли ва калийли ўғитларни белгиланган муддат ва меъёрларда берилиши, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида ўтказилиши, бегона ўтларга, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, суғоришда "шарбат" усулидан фойдаланиш ҳисобига эришилмоқда.

Олимларимиз томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида кузги буғдойнинг "Шалола", "Ёдгор ", "Уйчи-2001" ва "Замондош" навлари яратилиб, Республика Давлат нав синаш комиссиясига синовдан ўтказиш учун топширилди. Айни кунларда ушбу янги навларни турли тупроқ шароитларида синовдан ўтказиш ишлари олиб бориляпти.

Бундан ташқари, дала шийпонида ходимларнинг моддий турмушини яхшилаш мақсадида чорва моллари, паррандалар боқилмоқда.

Сохиба СОЛИЕВА
суҳбатлашди.

БУНЁДКОРЛИК ВА ҚОНУНЧИЛИК

МАМЛАКАТИМИЗДА ОБЪЕКТЛАР ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ АЖРАТИШ, БАРПО ЭТИЛАЁТГАН БИНОЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУН ВА МУСТАҲКАМ БЎЛИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва бир қатор қонун ҳужжатларида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат ер кадастри юритиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда муҳофаза қилиш борасидаги муносабатлар тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майда қабул қилинган "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ерлардан самарали фойдаланиш, кичик бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ажратиш учун кенг шароит яратишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Қарорга мувофиқ, ер участкаларини танлаш ва ажратиб бериш тартибига қатор ўзгартиришлар киритилди. Мисол учун, илгари ер участкасини танлаш ва бериш тўғрисида қарорни туман ҳокими қабул қилган бўлса, эндиликда бу вазифа вилоят ҳокими зиммасига юклатилди. Ишбилармонлар учун ер ажратишда, аввало, ер участкаси танланиб, тегишли давлат ҳокимияти органининг қарори билан тасдиқланади. Мазкур ҳужжатлар объектни қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Ердан самарали фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, ер ресурсларини баҳолаш, бу борадаги салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри («Ергеодезкадастр») давлат қўмитаси томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

– Юридик ва жисмоний шахслар маълум бир объектни қуриш учун танлов асосида ер участкасига эгалик ҳуқуқини қўлга киритади, – дейди "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва ер тузиш бошқармаси бош мутахассиси Арзит Латипов. – Бунинг учун белгиланган объектни қуриш истагидаги шахслар танловларда ўз таклифлари билан иштирок этиши мумкин. Мазкур ҳужжатларни расмийлаштиришда бир қатор енгилликлар ва қулайликлар яратилган. Хусусан, ер участкаси ажратиш жараёнида рухсат берувчи ташкилотларнинг тасдиғи учун аниқ муддат белгиланган тадбиркорларни ортиқча оворагарчиликдан халос этди. Бу тадбирнинг танлов асосида ўтказилиши эса ердан самарали фойдаланиш ҳамда унга ҳақиқий ишбилармон эга бўлишини таъминлайди. Ғолибга ер участкаси доимий фойдаланиш учун ёки узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи билан берилади.

2011 йил давомида ер участкаларини танлов савдолари орқали сотиш, ижарага бериш билан боғлиқ 6,6 мингдан зиёд эълон берилди. Декабрь ҳолатига кўра, қарийб 800 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектини қуриш учун танланган ер участкалари бўйича танлов ғолиблари аниқланди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 118, Қашқадарё вилоятида 52, Хоразм вилоятида 233, Қорақалпоғистон Республикасида 50 объектни қуриш ишлари бошланди.

Истиқлол йилларида шаҳару қишлоқларимизда бетакрор лойиҳалар асосида маъмурий бинолар, турар жой даҳалари, кенг ва равон кўчалар, қулай ва шинам бозорлар қад ростламоқда. Давлат ва халқ манфаатлари учун муҳим объектлар, тармоқ ва йўллар барпо этилиши жараёнида йўл четларида архитектура талабларига номувофиқ тарзда қурилган турар жойлар, иншоотларни бузишга ҳам тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг номи қайд этилган қарорига кўра, бундай вазиятларда мулк эгаларига зарарни тўлиқ қоплаш бўйича ҳуқуқий асос яратилган. Яъни, шахсларнинг хусусий мулки бўлган турар жойлар, иморатлар, қурилиши тугалланмаган объектлар, дарахтзорларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, баҳоловчи ташкилотлар томонидан аниқланади. Мисол учун, Тошкент шаҳри аҳолисининг турар жой шароитларини яхшилаш мақсадида пойтахтимиздаги Алишер Навоий кўчаси тубдан реконструкция қилинмоқда. Мазкур кўчада жойлашган эски савдо дўконлари, Алишер Навоий, Олмазор, Ўқчи ва Фурқат кўчалари чегарасида жойлашган эски уйлар бузилди. Уларнинг эгаларига, хоҳишига қараб, квартира ёки замонавий уй-жой қуриш учун ер участкалари берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ер участкалари олишда узоқни кўзлаш, ҳужжатларни аввалбошдан пухта тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Агар корхона ёки бинони қуришда шаҳарсозлик, табиатни муҳофаза қилиш, санитария ва бошқа қоидалар ҳисобга олинмаса, кейинчалик уни бузиш зарурияти юзага келади.

Бундай оворагарчиликнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорларга ер майдонлари ажратишда барча жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аграр тармоқда фойдаланиладиган ерларда янги объектлар қуриш зарурияти пайдо бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг пасаймаслигини таъминлаш учун унинг ўрнига янги майдонларни ўзлаштириш белгиланган.

Тадбиркорларга зарур шароит яратиш, ер участкалари ажратиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юртимизда янада кўркам, замонавий муҳандислик талабларига тўла жавоб берадиган якка тартибдаги уй-жойлар ва бинолар қурилишини таъминлашга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ТУПРОҚШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов томонидан илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис бу соҳада ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бу ҳолни тупроқшунослик фани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, тупроқшунослик табиий фанлар гуруҳига киритилди. Кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг аҳамияти беқиёс. Экинлар ривожи учун тупроққа ишлов, ўғит, сув берилади. Заминнинг сув, ҳаво, озуқа, иссиқлик тизими ўсимлик талабига жавоб берадиган даражага олиб келинади. Тупроқдан фойдаланиш натижасида юзага келадиган ўзгаришларни ўрганиш, тупроқ ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини тиклаш ва ошириш каби масалалар билан агротупроқшунослик фани шуғулланади.

ТУПРОҚ - ТИРИК ЖОН

Тупроқнинг ҳам ўзига хос қонуниятлари бор. Илгари унинг ҳолати ва унумдорлиги ўзгариб кетиши ҳисобга олинмай фойдаланилган. Натижада айрим суғориладиган ерларда салбий жараёнлар (шўрланиш, шамол, сув, ирригацион эрозияларга учраш, ифлосланиш, ҳайдалма қатлам остининг қотиб қолиши каби ҳолатлар) юзага келганди.

Бу каби ҳолатларни бартараф этишнинг асосий омили сифатида тупроқшунослик илмини янада кучайтириш, ана шу илмни амалиётга пайваста этиш зарурати юзага келади. Тупроқшуносликда қатор муаммоларни ечиш учун илмий изланишлар ўтказиш зарур. Масалан, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида биогеокимёвий цикллар, тупроқ қатламининг табиатдаги экологик функцияси, тупроқ қатламларини зоналрегионал тарқалиши характери, тупроқ хоссаларини муқобиллаштириш ва унумдорлигини ошириш мақсадида тупроқ жараёнларини бошқариш назарияси ва услубиётини яратиш шулар жумласидандир.

Тупроқшунослик фани учун универсал аҳамиятга эга бўлган тупроқ биотаси, тупроқнинг қаттиқ суюқ, газ босқичлари ўртасидаги тизимли функционал боғлиқлик, тупроқларда органик қолдиқларни трансформациясида биокимёвий жараёнлар, тупроқ-ўсимлик-табиий сувлар-атмосфера тизимида модда алмашинув параметрлари ва механизми, тупроқ ҳосил бўлиш энергетикаси, классификациялаш назарияси ва услубиёти, тупроқ ташкиси, тупроқ-экологик районлаштириш, тупроқ мониторингини ташкил қилишнинг назарий ва услубий асоси қабилар ҳам ўта муҳим масалалар ҳисобланади.

Фундаментал назарий ишларни ривожлантириш ерлардан унумли ва оқилона фойдаланиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини кўтариш каби амалий вазифаларни уддалашда муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқшуносликнинг шу пайтгача маълум бўлган бутун назарий пойдевори деҳқончилик, мелиорация, яйловчилик, ўрмончилик, қурғоқчиликка, эрозияларга қарши кураш, ўғитларни тўғри қўллаш каби масалаларга жавоблар ва тавсиялар ахтариш жараёнида юзага келган.

Ҳозирги пайтда ҳам тупроқшунослик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириши мумкин бўлган бир қанча тавсияларга эга. Бироқ тупроқ бўйича илмий-тадқиқот ишларидан амалиётда фойдаланиш етарли даражада эмас. Бу эса ердан фойдаланиш масалалари бўйича мутахассисларни янада кўпайтиришни тақозо этади.

Тупроқ нафақат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси, балки ер устидаги барча экологик тизимлар учун асос ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам олимлар шўрланиш, эрозия ва техноген ифлосланишни хавфли жараёнлар гуруҳига киритганлар.

Шундан келиб чиқиб, тупроқни муҳофаза қиладиган экологик асосланган деҳқончиликни, тупроқни парчаланишдан ва техноген ифлосланишдан ҳимоя қиладиган тизимларни янада мукаммаллаштириш вазифаси пайдо бўлади.

Тупроқшунослар, мелиораторлар, агрокимёгарлар олдида заминнинг экологик, мелиоратив ва агрокимёвий ҳолатларини яхшилаш унумдорлик ва биологик маҳсулдорлигини оширишга қаратилган изланишларни кўпайтириш заруратн юзага келмоқда. Негаки, она замин — ягона. Фаровонлигимиз, ризқу насибамиз бутлигининг ягона омилига эътиборни кучайтириш фарзимиздир.

Жўрақул САТТОРОВ,
Республика Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг бош илмий ходими, академик.

Қашқадарё Вилояти

МУШТАРИЙ ФИКРИ

Мустақиллик йилларида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, биз яшаётган Китоб тумани "Боғбон" қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудуди ҳам йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Ишбилармон Суннатилло Ҳасанов ҚФЙ раиси бўлиб сайлангандан бери халқ ишончини оқлаш учун енг шимариб меҳнат қилмоқда.

ШУКРОНА АЙТСАНГ АРЗИР ҲАР КУНИНГГА...

Бугунги кунда Юқори Қайчили, Очамайли, Айрончи, Янгиқишлоқ, Иттифоқ, Дўнгқишлоқ, Толзор маҳаллаларида 12 мингдан зиёд турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Қишлоқларни ободонлаштириш, кўчаларга асфальт ётқизиш ҳамда аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда иш олиб борилмоқда. Қисқа давр ичида Юқори Қайчили, Очамайли ва Айрончи қишлоқлари ўзгача манзара касб этди. Айрончи қишлоғида аҳоли учун новвойхона, ошхона, ҳар хил турдаги савдо ва гўшт дўконлари ишлаб турибди. Аҳолининг чорва молларини шрот, шелуха, омихта ем билан узлуксиз таъминлаб турувчи марказлаштирилган савдо дўкони бошлиғи Шухрат Жовлиев ва унинг турмуш ўртоғи сотувчи Салима Ҳамроевадан барча миннатдор.

Шунингдек, қишлоқда "Гулдаста" болалар боғчаси, 11-умумтаълим мактаби, алоқа бўлими, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, қурилиш материаллари савдо дўкони, автомашиналарга ёқилғи қуйиш, автомашиналарга сервис хизмати, аҳолининг чорва молларига ветеринария хизмати кўрсатиш ва юқори технологиялар билан жиҳозланган чорва молларини сунъий қочириш шохобчалари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқдаги тикувчилик цехи, кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари аҳоли хизматида.

"Боғбон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги айрим қишлоқлар туман марказидан 7-8 км. узоқликда жойлашган. Олдинлари тўйларимизни туман марказида ўтказар эдик. Тадбиркорларимиздан Абдураззоқ Ашуров ва унинг турмуш ўртоғи Зебунисо Баратованинг саъй-ҳаракатлари билан Айрончи қишлоғида жойлашган эски клуб биноси ким ошди савдосида сотиб олиниб, қайта таъмирланиб, маросимлар ўтказиш уйига айлантирилди. У замон талабларига мос жиҳозланди. Датлабки кунларданоқ ёшларимиздан Акрамжон Қўчқорова ва Чаросой Султонова, Ҳасанжон Норқулов ва Сабоҳатой Назаровларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Шу ҳудуддаги барча қишлоқ аҳолиси учун қулайлик яратилди.

Юртбошимизнинг қишлоқ жойларида аҳоли учун замонавий уй-жойлар қуриш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан Китоб тумани ҳокимлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Боғбон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида об-ҳаво, иқлим шароити ҳисобга олинган 95 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунга қўшимча равишда шу ердаги маҳалла аҳолиси учун 5 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 қаватли мактаб қисқа муддатда қурилиб, ишга туширилди. Албатта, Истиқлол берган бундай имкониятлардан кўксимиз ғурурга тўлди!

Бугунги кунда қишлоқларда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Самбо бўйича 2 карра жаҳон чемпиони Сайфиддин Ҳодиев шу ҳудуддаги Янгиқишлоқдан чиққан. Ўзбек кураши бўйича елкаси ерга тегмаган Очилхон бобо Алиев, Ҳайдар бобо Бозоров, Ҳазрат бобо Султонов, Малик полвон Сувонов, марҳум Тўхта полвон Хушвақтов каби полвонлар ҳам шу ҳудудда вояга етган. Халқимиз бу кишиларнинг номларини ҳамиша ҳурмат билан тилга олади. Ҳозирги кунда уларнинг сафдошлари — Суюн полвон, Асад полвон, Неъмат полвонлар ёшларимизга кураш сирларини ўргатишни олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Спортнинг барча турлари билан қизиқувчи ёшларимиз талайгина.

"Боғбон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқлар Қашқадарё сохилида жойлашган. Демак, сув спортини ривожлантириш учун ҳам имконият бор.

Ушбу мақолани ёзаётиб, беихтиёр Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушди;

Бори элга яхшилик қилгилки, шундин яхши йўқ,
Ким дегайлар, дахр аро қолди фалондин яхшилиқ.

Бу ҳикматли сўзларга амал қилиб яшаш ҳар биримизга насиб этсин.

Нуриддин РАҲМОНОВ,
меҳнат фахрийси.

Китоб тумани «Боғбон» ҚФЙ Айрончи қишлоғи.

Наманган Вилояти

ҚОР ТАГИДА ПИШИҚЧИЛИК

Қиш чилласи давом этмоқда. Аммо шундай хонадонлар борки, у ерга ташриф буюрсангиз, кўклам нафасини туясиз. Боиси қишнинг совуқ кунларида иссиқхона ва томорқаларда экинлар гуллаб яшнамоқда. Карам, помидор, бодринглар барқ уриб, ош кўк, кашничлар ифор таратиб турибди.

Норин тумани Марғизор қишлоғидаги Тошқин маҳалласида истиқомат қилаётган Хусниддин Эргашев ҳам 2 сотих жойда иссиқхона ташкил этган. 2010 йилда ундан 4 миллион сўм даромад олган эди. Ўтган йили эрта баҳорда иссиқхонага 1000 туп бодринг ва помидор кўчати экилди. Етиштирилган ҳосил даромади 3 миллион сўмдан ошди. Очиқ майдондаги 6 сотих картошкадан олинган фойда эса 3,5 миллион сўмни ташкил этди.

— Иссиқхонамизнинг ҳозирги мавсумидан 7,5 миллион сўм даромад олмоқчимиз, — дейди тадбиркор Хусниддин Эргашев. — Айни кунларда томорқамизда 1,5 минг туп карамдан ҳосил олдик.

Шу кунларда Хусниддин аканинг хонадонида бўлсангиз, қор тагидаги экинзорга боқиб, кўнглингиз яйрайди. Излаб, имконият қидириб, томорқасини экинзорга айлантираётган, оиласи иқтисодиётини бақувват бўлишига ҳаракат қилаётган Хусниддин Эргашев каби миришкорларни кўриб, шижоатингизга балли, дегингиз келади.

СУРАТДА: *Хусниддин Эргашев томорқасида.*

Равшан МИРЗАОЛИМОВ олган сурат.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ ПО ОБЪЕКТУ: ЛОТ № 1.

Лот № 1-1. "Строительство пристройка учебного блока на 80 учащихся (3 класса) к существующему зданию школы № 31 Кизилтепинского района Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 138 187 110 сум, с НДС 165 824 532 сум.**

Срок завершения строительства: **6 месяцев**.

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

Лот № 1-2. "Призывной пункт на территории центра Янги Тамды Тамдинского района Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 619 398 450 сум, с НДС 743 278 140 сум.**

Срок завершения строительства: **7 месяцев**.

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

Лот № 1-3. "Строительство спортзала размерам 12х24м вспомогательными помещениями на территории школы № 7 Навбахорского района Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 266 666 667 сум, с НДС 320 000 000 сум.**

Срок завершения строительства: **6 месяцев**.

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств фонда развития детского спорта.**

Лот № 1-4. "Строительство спортзала размерам 12х24м с блоком вспомогательных помещений в специализированной школы № 1 г. Нурата Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 266 666 667 сум, с НДС 320 000 000 сум.**

Срок завершения строительства: **6 месяцев**.

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств фонда развития детского спорта.**

Лот № 1-5. "Капиталный ремонт здания сельского врачебного пункта в с "Дехибаланд" Нуратинского района Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 181 869 583 сум, с НДС 218 243 500 сум.**

Срок завершения строительства: **6 месяцев**.

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

Лот № 1-6. "Детское отделение на 30 коек со станцией скорой помощи при Навбахорском РМО Навбахорского района Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 616 709 583 сум, с НДС 740 051 500 сум.**

Срок завершения строительства: **7 месяцев**.

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

Лот № 1-7. "Строительство сельского врачебного пункта (II типа) в ССГ "Арабон" Кизилтепинского района Навоийской области".

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 230 000 000 сум, с НДС 276 000 000 сум.**

Срок завершения строительства: **6 месяцев**.

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

(По объектам, стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса).

Заказчик ИК по КС хокимята Навоийской области.

Расположенный г.Навои, ул. Навои-63.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навои ул.Гвасалия-2а. Тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои ул.Гвасалия-2а. Тел.: 225-49-96.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Қорақалпоғистон Республикаси

БИЛИМ АМАЛИЁТГА ПАЙВАСТА

Агросаноат соҳаси учун етук мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларни иш билан таъминлашда Шуманай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Коллежда 6 та йўналиш, жумладан, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, ўсимликшунослик, фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик ишлаб чиқариш, ҳисоблаш машиналари мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга боғлиқ комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ коллежда 400 миллион 600 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари "Связ-сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилди.

Масканда ўқувчилар учун 18 турдаги тўгараклар ташкил этилган. Тўгаракларга тажрибали ўқитувчилар жалб қилинган. Булардан ташқари, 3 та компьютер синфи бўлиб, ҳозирда ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш бўйича махсус курслар фаолият олиб бормоқда. Коллежда ўқувчиларга автомобиль ва тракторларни бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бўйича қўшимча курслар ташкил этилган. Фан хоналари, кутубхона, ўқув устахоналари, спорт зали ва спорт майдончаларида барча шароитлар мавжуд. Коллежда Ахборот-ресурс маркази компьютер билан таъминланган ва интернет тармоғига уланган. Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича ўқув амалиётлари ўқув устахонасида, ўқув-тажриба хўжалигида ва туман ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилмоқда.

– Умумтаълим фанларини ўқитиш учун шарт-шароит етарли даражада эканлиги самарали фаолият олиб боришни таъминламоқда, – дейди коллеж директори Осербой Қанназаров. – Ўқувчиларга 75 нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқда. Улардан Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози Отамурат Шомурадов, "Шуҳрат" медали соҳиби Олмагул Заирова, олий тоифали ўқитувчилар Нурхат Галиакбаров, Ойзода Қосанова, Омонгелди Реимов, Гулноз Фозилбекованинг ёшларга таълим-тарбия бериш ва касбга ўргатиш борасидаги машаққатли меҳнатларини алоҳида тилга олиш жоиз. Шунингдек, шартнома асосида Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус давлат педагогика институти кафедраларининг филиаллари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиёт, менежмент, замонавий компьютер технологиялари бўйича зарур билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича семинарлар ташкил этилиб, ўзаро тажриба алмашиш яхши йўлга қўйилган.

2010-2011 ўқув йилида коллежни 246 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 216 нафари ўз соҳалари бўйича ишга жойлашди.

– Коллежнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мутахассислиги бўйича битириб, туман марказий машина-трактор паркига ишга қабул қилиндим, – дейди ёш мутахассис Олланазар Сариқулов. – Бу борада коллежда ўқиш жараёнида ўқув амалиётини туман марказий машина-трактор паркида ўтказганим асқотди.

Айтиш керакки, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм, ўз жонига қасд қилиш каби иллатларнинг салбий оқибатларини кенгроқ тушунтириш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ходимлари билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқилган. Коллежда спортнинг 8 тури бўйича тўгараклар ташкил этилган. 2011 йилда ўқувчилар спортнинг шахмат ва енгил атлетика тури бўйича туманда иккинчи ўринни эгаллаганди. Шунингдек, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақасида совринли ўринга муяссар бўлганди. Ҳар бир байрам санасида "Балли, қизлар", "Ким чаққон, ким эпчил" мусобақаси ўтказилиб келинмоқда.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

СПОРТ

РАВШАН ЭРМАТОВ – ЖАҲОН ОММАСИ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов WorldReferee.Com сайтида ўтказилган сўров натижаларига кўра, жаҳондаги 2011 йилнинг энг яхши ҳаками сифатида эътироф этилди. Иккинчи ўрин - колумбиялик Вилмар Ролдонга, учинчи ўрин эса бразилиялик Вилсон Лиуз Сенемега насиб қилган.

Жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қилиб, баҳолаб борадиган мазкур сайт мутахассислари энг яхши ҳакамларни ҳар бир учрашувда йиғилган баллар ҳисоб-китоби бўйича аниқлайди.

Р.Эрматов қатор халқаро спорт ташкилотлари, мутахассислар ва экспертлар томонидан энг тажрибали ҳакамлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Жумладан, Осиё футбол конфедерацияси ҳам уни 2011 йилдаги қитъамизнинг энг яхши ҳаками, деб топди. Р.Эрматов бу совринга кетма-кет тўрт маротаба сазовор бўлган ягона ҳакамдир.

Шунингдек, ҳамюртимиз яна бир интернет сайти – Eurofootball.ru ўтказган сўровда ҳам "Йилнинг энг яхши ҳаками" сифатида эътироф этилди.

2003 йилдан буён Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА таснифидаги учрашувларни бошкариб келаётган Р.Эрматов учун 2011 йилги футбол мавсуми ҳам омадли бўлди. У ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси шафелигида ўтказилган нуфузли учрашувларни – Жаҳон чемпионати ва Олимпиада саралаш ўйинлари, Осиё чемпионлар лигаси ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал бахсларини юқори савияда бошқарди.

Эслатиб ўтамиз, Равшан Эрматов фаолияти давомида жаҳон миқёсидаги деярли барча нуфузли мусобақаларнинг финал учрашувларини бошқариш шарафига муяссар бўлган ҳакамдир. 2014 йилда Бразилияда бўлиб ўтадиган терма жамоалар ўртасидаги Жаҳон чемпионати финал учрашувини бошқариш ҳам Равшан Эрматовга насиб қилишига умид билдирамиз.

РАСМИЙ ЎЙИНЛАР ОЛДИДАН ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Олимпия терма жамоамиз 5 февраль куни олимпиада ўйинларига саралаш босқичи доирасида Австралия олимпия термасини қабул қилса, миллий терма жамоамиз 29 февраль куни меҳмонда Японияга қарши Жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичининг сўнгги тур учрашувини ўтказади.

Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоаларини мазкур мусобақалардаги муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида икки босқичдан иборат ўқув-йиғин машғулотлари ташкил қилинган. Ушбу йиғин режасига кўра, Вадим Абрамов шогирдлари ўртоқлик учрашувларида иштирок этишдан ташқари халқаро мусобақада ҳам қатнашишади.

Вадим Абрамов ушбу йиғинларда иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатдан 10 нафар миллий ва 20 нафар олимпия терма жамоаси футболчилари жой олишган.

Асосий терма жамоамиз Жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичидан муваффақиятли ўтгани ва сўнгги турдаги учрашув аҳамияти юқори бўлмагани учун мураббийлар тажриба тўпланиши керак бўлган ёш футболчиларни йиғинга таклиф қилишни топишган. Таклиф қилинганлар орасида Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати қаҳрамонларидан бири Аббосбек Махсталиев ҳам бор.

Демак, "аралаш терма жамоа" ўқув-йиғин машғулотларининг биринчи босқичи 6-13 январь кунлари Тошкентда бўлиб ўтади. 10-январь куни Ўзбекистон спорт мажмуасида футзал бўйича Ўзбекистон миллий термаси аъзолари билан ўзига хос ўртоқлик учрашуви ўтказилади (мазкур учрашув ёзиб олинган ҳолда 22:00 дан бошлаб "Спорт" телеканали орқали намойиш этилади).

Ўқув-йиғин машғулотларининг иккинчи босқичи хорижда ўтказилиб, 14 январь куни, терма жамоа делегацияси Кувайтга йўл олади. 17 январь куни у ерда мезбон мамлакат миллий терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида иштирок этади. 18 январь кундан эътиборан эса, терма жамоамиз Бирлашган Араб Амирликларида 10 кунлик йиғинни бошлайди. Жумладан, 18-23 январь кунлари термамиз "Match World Cup 2012" халқаро турнирида иштирок этади. Мусобақада саккизта жамоа ғолиблик учун кураш олиб боради. Аввалги маълумотларга қараганда, унда қуйидаги жамоалар иштирок этиши керак эди: "Бунёдкор" (Ўзбекистон), "Зенит", "Ростов" (Россия), "Шахтёр" (Украина), "Васлуй" (Румония), Ксамакс (Швецария), ВАК Касабланка (Марокаш) ва Ироқ олимпия терма жамоаси. Мусобақа иштирокчиларидан бири фикрини ўзгартирган кўринади. Нима бўлганда ҳам терма жамоамизга ушбу халқаро турнирда иштирок этиш учун таклифнома келган ва вакилларимиз уни қабул қилган.

26 январь куни эса термамиз БАА терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказади. Шу билан йиғин якунига етади. Вадим Абрамов мазкур учрашув борасида Малайзияда бўлиб ўтган конференция давомида БАА термаси бош мураббийи билан оғзаки келишувга эришгани ҳақида аввал ҳам айтиб ўтган эди.

Терма жамоамизга оид яна бир маълумот: 24 февраль куни Ўзбекистон ва Таиланд терма жамоалари ўртасида ўртоқлик урашуви ўтказилиши белгиланган эди. Маълум бўлишича, Жанубий Корея термаси томонидан 25 февраль куни ўзаро ўртоқлик учрашувини ўтказиш таклифи бўлган. Шу муносабат билан Таиланд термаси билан 24 февраль кунига белгиланган учрашув бекор қилинган. Сўнгги бор Жанубий Корея ва Ўзбекистон термалари "Осиё Кубоги — 2011" мусобақасида рўбаро келган ва мазкур бахс кореяликларнинг 3:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланган эди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Кўз – қалб кўзгуси

Инсоннинг юз тузилишида ҳам сир бисёр. Машҳур файласуфлардан Арасту, Афлотун, Бузургмеҳр, Дунасарий, Лукмону Ҳакимлар бу ҳақда ўз фикрларини ёзиб қолдиришган. Уларнинг айтишича, ички дунёмизни, феъл-атворимизни очиб беришда биргина кўзларимиз ҳам катта аҳамият касб этар экан. Қуйидагиларни сизга таниш инсонлар билан таққослаб кўринг, ўзингиз учун хулосалар чиқаринг. Лекин ошкора айтишга шошилманг. Демак, суватдан сийратга...

- Кўз равшан бўлса, қалбнинг оқлиги белгисидир.
- Кўз кичик бўлса, ожизлик белгиси.
- Кўз ёшли бўлса, яхшиликка мойилликдан далолат.
- Кўз қуруқ бўлса, киши тошюрак, беақл бўлади.
- Кўзи катта ва хира одам уятсиз ва зинокор бўлади.
- Кўз тим қора бўлса, кўрқоқлик белгиси.
- Кўз беҳаракат бўлса, заиф, жоҳил ва танбалликдан далолат.
- Кўз мовий-сариғш ва ёшсиз бўлса, ундай киши ёмонликни одат қилган.
- Кўз ёшланмайдиган ва бенур бўлса, ундай кишилар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар.
- Кўз ўйнаб тургувчи, кичик бўлса, ҳийлагарлик белгиси.
- Кўзнинг оқ ва қораси баробар бўлса, киши вафоли, ростгўй ва яхшилик қилувчидир.
- Кимнинг кўзи узоқни яхши кўрса, унинг жаҳли тез чиқади.
- Кимки кулганда кўзида ёш йилтилласа, у яхши хулқ-атвор эгасидир.
- Кимки кўзини тез-тез юмиб-очса, у содиқ дўст ва ёмон ишлардан холи кишидир.
- Кимки кўзини оҳиста юмиб очаверса — хиёнатчи, бевафо, ахдини бузадигандир.
- Кимнинг нигоҳи ўткир бўлса, у оилапарвар, аммо молга ўчдир.
- Кичик тор кўз олдинга туртиб чиққан бўлса, эгаси зийракдир.

Н.ҲОТАМОВА
тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2012 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ № 6

ЛОТ 6-1. "Жиззах туманидаги маиший хизмат соҳаси коллежи биносини капитал таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 360,713 миллион сўм, ҚҚС билан 432,856 миллион сўм.

ЛОТ 6-2 "Жиззах туманидаги 39-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 168,704 миллион сўм, ҚҚС билан 202,445 миллион сўм.

ЛОТ 6-3. "Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани "Кўкбулоқ" ҚФЙ Сайфинота қишлоғидаги 48-сонли мактаб ҳудудида ёрдамчи хоналар билан 12х24 м. спорт зали қурилиши".

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 276,139 миллион сўм, ҚҚС билан 331,367 миллион сўм.

ЛОТ № 7

ЛОТ 7-1. "Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани "Бўстон" ҚФЙ Ғубдун қишлоғидаги 240 ўқ. ўр. 18-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш".

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 503,473 миллион сўм, ҚҚС билан 604,168 миллион сўм.

ЛОТ 7-2. "Жиззах вилояти Фориш тумани "Гараша" ҚФЙ Гуроб қишлоғидаги 76-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш: 80 ўқ. ўр. ўқув блоки".

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 173,828 миллион сўм, ҚҚС билан 208,594 миллион сўм.

ЛОТ 7-3. "Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 4-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш".

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 391,048 миллион сўм, ҚҚС билан 469,257 миллион сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2012 йил 20 августгача.

Ишларни молиялаштириш қуйидаги манбалардан амалга оширилади:

1) Спорт иншоотлари бўйича — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

2) Умумтаълим мактабларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари бўйича Бюджетдан ташқари таълим ва тиббий муассасаларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8372)-222-46-40.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Бошланғич қиймати 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ни ташкил қилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари керак.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

Утерянный аттестат о среднем образовании О'R-А № 1710932, 2003 г., выданный соседней шк. № 24, имени А.Навои, Зангиатинского р-на Ташкентской обл. на имя Уразовой Жамбыл Кенбайевны, считать недействительным.

ЧП "POWER PLAST" (ИНН 301236804) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улуғбекского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Буюк Ипак Йули д. 60/16, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 5.01.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 107-10-05.

Утерянный договор купли-продажи дома, расположенной по адресу: г. Ташкент, Сергелийский р-н, Махалле Обод, ул. Адолат д. 17, выданный 27.11.1997 г. на имя Махмудовой Рихси, считать недействительным.

ООО "NURAFSHON QUSHBEGI" (ИНН 302125260) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента (реестр. № 006303-11, 24.10.2011 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Кушбеги 30[B], ликвидируется (решение собрания учредителей № 1 от 04.01.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Утерянный патент № 0303731, выданный хокимиятом Мирабадского р-на г. Ташкента от 03.05.2011 г. на имя Цой Вячеслава Руслановича, считать недействительным.

Утерянный аттестат А № 037045, выданную в 1992 г. вечерней школой № 45 С.Рахимовского р-на г. Ташкента на имя Абдуллаевой Сайёры Файзуллаевны, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎйдан (реестр № 003923-01, 06.07.2011 й.) рўйхатдан ўтган "PNTI BIZNES" МЧЖнинг устав фонди 221 441 645 сўм 20 тийиндан 194 709 440 сўм 20 тийинга камайганлигини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа (авваллари А.Иқромов) т. ТСРЎйдан (реестр № 01-00417, 24.01.2003 й.) рўйхатдан ўтган "OFTOB-OYI" (ИНН 204344347) хусусий фирмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Утерянный диплом СТ-1 № 4833673 (Рег. № 2739), выданный в 1994 г. Ташкентским Медицинским Техникумом им. Баровского на имя Абдурахимова Абдурауфа Абдурахмановича, считать недействительным.

Тошкент ш. Яккасарой т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎй томонидан (реестр № 005886-11, 16.03.2011 й.) рўйхатга олинган "SAMARA GRAND" МЧЖнинг фаолияти тўхтатилганлигини маълум қилади.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎй томонидан рўйхатдан ўтган "XIMBIOGEN" МЧЖ иштирокчисининг 04.01.2012 й.даги қарорига асосан ҳажмининг устав фонди 358 300 000 сўмдан 220 500 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Утерянный план квартиры, расположенное по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. Ходжаева д. 3 кв-ра 3, выданный БТИ Шайхантахурского р-на на имя Зайнуддинова Файхиддина, считать недействительным.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎй томонидан (15.06.2007 й., реестр № 001468-07) рўйхатга олинган "XIKMAT ZAMIN QURILISH" шўъба хўжалик жамиятининг мулкчилик шакли МЧЖга ўзгартирилади ҳамда "ХИКМАТ ZAMIN QURILISH" шўъба хўжалик жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ООО Агрофирма "MPS-AGRO" (ИНН 301314066) сообщает об уменьшении уставного фонда с 271 490 000 сум до 7 100 000 сум. Претензии кредиторов принимаются по адресу: Ташкентская обл. Ахангаран т. Озодлик КФЙ.

ООО "IDEAS MEDIA GROUP" (ИНН 301831420) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар 16-15-73, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 5.01.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 789-66-60.

ООО "VITA DE FRUTTA" (ИНН 300547798) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Чиланзарского р-на (№ 003182-08, 22.05.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Фурката д. 14/83, ликвидируется (протокол собрания учредителей от 03.01.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 245-82-25.

БИОГУМУС

КВАЗАР ЭНЕРГИЯ СОЛНЦА

срок эксплуатации 25лет

- СОЛНЕЧНЫЕ МОДУЛИ
- ВОДЯНЫЕ НАСОСЫ ОТ СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ
- ГЕЛЕВЫЕ АККУМУЛЯТОРЫ
- ОПРЕСНИТЕЛЬНЫЕ УСТАНОВКИ
- ЗАРЯДНЫЕ УСТРОЙСТВА

тел.:(8371) 230-55-62 факс:(8371) 256-15-08
www.titanst.uz e-mail: titan-st@mail.ru

Гувохнома № 006419

Тошкент давлат аграр университети жамоаси "Зоотехния" кафедраси доценти Исамуҳамедов Солиҳ Шукуровича волидаи муҳтарамаси

ЗАЙНАБХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзсувтаъмирфойдаланиш" Республика бирлашмаси жамоаси Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасининг 97-сонли махсус механизациялашган кўчма жамланмаси бошлиғи Ҳакимжон Аминовга падари бузруквори

АМИНХОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Агитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58, 743-03-45; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-436) 221-69-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-97) 788-88-54, (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: М.ҒАФУРОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-114, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.20 23082 нусхада босилди. Нашр индекси – 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5